

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12. 2019.К/В.37.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**БОЗОРОВ СОЙИБЖОН СОДИҚЖОНОВИЧ**

**AMARANTHUS ЎСИМЛИГИНИ ИНТРОДУЦИЯЛАНГАН  
НАВЛАРИНИНГ ЁҒИ: ОЛИНИШИ, ФИЗИК-КИМЁВИЙ ВА БИОЛОГИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ, ҚЎЛЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**02.00.10 - Биоорганик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии по химическим  
наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on chemical sciences**

**Бозоров Сойибжон Содикжонович**

*Amaranthus* ўсимлигини интродуцияланган навларининг ёғи: олиниши,  
физик-кимёвий ва биологик хусусиятлари, қўлланиш истиқболлари..... 3

**Бозоров Сойибжон Содикжонович**

Масло интродуцированных сортов растения *Amaranthus*: получение,  
физико-химические и биологические свойства, перспективы  
применения..... 21

**Bozorov Soyibjon Sodiqjonovich**

Oil of introduced varieties of amaranthus: production, physicochemical and  
biological properties, prospects of application ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 43

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12. 2019.К/В.37.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**БОЗОРОВ СОЙИБЖОН СОДИҚЖОНОВИЧ**

**AMARANTHUS ЎСИМЛИГИНИ ИНТРОДУЦИЯЛАНГАН  
НАВЛАРИНИНГ ЁҒИ: ОЛИНИШИ, ФИЗИК-КИМЁВИЙ ВА БИОЛОГИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ, ҚЎЛЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**02.00.10 - Биоорганик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/K240 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Биоорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.biochem.uz](http://www.biochem.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим тармоғида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Зиявитдинов Жамолитдин Фазлитдинович**  
кимё фанлари доктори, кат.и.х.

**Расмий оппонентлар:**

**Гафуров Махмуджон Бакиевич**  
кимё фанлари доктори, кат.и.х.

**Пякина Галина Александровна**  
кимё фанлари номзоди, кат.и.х.

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент кимё технология институти**

Диссертация ҳимояси Биоорганик кимё институти ҳузуридаги \_\_\_\_\_ рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «15» 12 соат 12<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 83. Тел.: 71-262-35-40, факс: (99871) 262-70-63).

Диссертация билан Биоорганик кимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (240 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 83. Тел.: 71-262-35-40, факс: (99871) 262-70-63, e-mail: [shsha@mail.ru](mailto:shsha@mail.ru)).

Диссертация автореферати 2021 йил «06» 12 да тарқатилди.

(2021 йил 06.12 даги 1 рақамли реестр баённомаси.)



**Ш.И. Салихов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик

**Ш.А. Шомуротов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, к.ф.д.

**М.Б. Гафуров**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунёда, хом ашё тақчиллиги шароитида, қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш саноати учун янги озик-овқат маҳсулотлари, озуқага қўшиладиган биологик фаол қўшимчалар, фармацевтика ва тиббий косметика учун самарали воситалар яратиш мақсадида биологик фаол моддалар манбалари сифатида ноанъанавий ўсимлик ресурсларидан фойдаланишда янги имкониятлар топиш борасида кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Тиббиёт амалиётида қўлланилаётган доривор воситаларининг асосий қисми ўсимликлардан олинади. Чунки, ўсимликлардан ажратиб олинган биологик фаол моддалар, синтетик усулда олинган дори воситаларига нисбатан организм учун зарарли таъсири кам, ўзлаштирилиши осон ҳисобланади. Шунинг учун, доривор ўсимликларни қайта ишлаш орқали физиологик фаол табиий бирикмалар асосида юқори терапевтик самарали дори воситаларини ишлаб чиқаришнинг рационал, иқтисодий самарадор ва экологик тоза, юқори рентабелли технологияларни яратиш катта аҳамиятга эга.

Дунёда биологик фаол бирикмаларга бой бўлган ўсимлик манбаларини излаб топиш ҳамда кимёвий таркибини аниқлашга оид илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. *Amaranthus* оиласининг ўсимликлари ана шундай турлардан биридир. *Amaranthus* оиласи ўсимликлари уруғларидан олинган моддалар гепатит, диабет, пролифератив, яллиғланиш ва замбуруғларга қарши, шунингдек радиопротектив ва сперматоген фаолликларни намоён қилиши аниқланган. Ёғ таркибида учрайдиган сквален инсон териси хужайраларининг энг муҳим липиди бўлиб, уни табиий антиоксидантлик, тери намлигини сақловчи восита, вакциналарда адъювант, кўкрак беши саратони профилактикасида, ракка қарши, кардиопротектив ва қондаги холестерин миқдорини пасайтирувчи хусусиятлари мавжудлиги туфайли унинг асосида терапевтик воситалар яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда *Amaranthus* туркум ўсимликларини маҳаллий иқлим шароитига мослаштириш, янги навларни етиштириш, уларни қайта ишлаш юзасидан муайян илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 4-йўналишида «фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари билан таъминланишини яхшилаш»<sup>1</sup> юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада вазифаларни амалга оширишда маҳаллий хом-ашё ресурсларидан биологик фаол бирикмаларни ажратиш, кимёвий таркибини аниқлаш ҳамда улар асосида доривор воситалар субстанцияларини ва янги самарали дори воситаларини яратиш ишларни янада жадаллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 январдаги ПҚ-4575-сон “Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони

мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2020 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 13 майдаги 282-сон «Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш маркази фаолиятини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги ўсимликлари турларининг Миллий генбанкни яратиш тўғрисида» ги қарорида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бугунги кунга қадар бир қатор хорижий олимлар томонидан Амарант уруғи ёғларининг кимёвий таркиби, биологик фаоллиги ва фармакологик хусусиятларини аниқлаш бўйича чуқур тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, S.Kaur ва N.Singh (Ропар Технология Институту, Ҳиндистон) тарафидан *A. hypochondriacus* нинг 48 та (4,8% дан 5,4% гача) ва *A. caudatus*нинг 11 та (7% дан 8% гача) навларининг ёғдорлиги ўрганилган. T.H.Gamel ва A.S.Mesallam (Искандария университети, Миср) амарант ёғларининг липид таркиби ўрганиб, уларнинг 78-82% триглицеридлардан, 5,1-6,5% ва 3-3,5% ди- ва моноглицеридлардан (мос равишда) ташкил топганлигини кўрсатдилар. E. Ryan ва K. Galvin (Мельбурн университети, Австралия) амарант ёғидаги ёғ кислоталар профилини, токоферол, сквален ва фитостеролни бразилия ёнғоғи ва писта ёғлари билан таққослаган ҳолда ўрганишган. P.R.Venskutonis ва P.Kraujalis (Каунас университети, Литва) ёғ кислоталари профилини тадқиқ қилишган ва амарант ёғидаги тўйинмаган ёғли кислоталарнинг умумий миқдори (72,86 - 73,28%) тўйинганига (26,72 - 27,28%) нисбатан уч барабар юқори эканлигини кўрсатганлар. Y.Tang ва X.Li (Тянжин университети, Хитой) тарафидан амарант ва киноа уруғларидаги ёғ кислоталари, каротеноидлар ва токоферолларнинг таркибига баҳо берилган.

Амарант ўсимлигининг турли навларини Республикамиз иқлим шароитимизга интродукция қилиш бўйича М.М.Мўминов тадқиқотлар олиб борган. С.Д. Гусакова амарант ёғларининг липид таркибини ўрганган. Ш.К. Худойбердиев *Amaranthus hypochondriacus* донли навлари уруғи ёғларининг кимёвий таркибини ўрганиб чиқган. А.И.Саноев ҳаммуаллифлар билан биргаликда "Харьковский-1" амарант нави уни таркибидаги ёғ, углеводлар ва оксил таркибини ўрганиб чиқган ва ун таркибида 5,4% гача сквален тутган 4,5 % ёғ, 65,95% гача углеводлар, углеводларнинг асосий қисми ( 50,55%) сувда эрувчан полисахаридлар ва 27,7% гача оксил бўлиши кўрсатиб беришган. Шунингдек, этанол шимдирилган амарант унини карбонат ангидрид билан суперкритик усулда экстракциялашнинг ёғи сифатига ва улардаги сквален миқдорига таъсири аниқлаган. Ш.С.Олимжонов ва бошқалар Ўзбекистон иқлим шароитига интродукцияланган *A. hypochondriacus* турлари - Харьков ва Лера, А.

*cruentus* тури – Андижон ва Гелиос навларининг уруғлари кимёвий таркибини ўрганишган ва натижада уларнинг таркибидаги ёғ (6,39 дан 7,81% гача), оксил, аминокислоталар, витаминлар, макро- ва микроэлементлар, углеводлар ва полисахаридларнинг таркиби ва миқдорларини кўрсатишган.

Таъкидлаш лозимки, шу кунгача Республика миқёсида амарант турига мансуб навларнинг уруғлари ёғларидан биологик фаол моддаларни ажратиб олиш, уларнинг кимёвий таркибини ўрганиш, биологик фаолликлари ва фармакологик хусусиятларини тадқиқ қилиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Биоорганик кимё институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №И-2016-5-6/3 “Амарант ўсимлигини комплекс қайта ишлаш асосида чорвачиликда ем-озуқа, фармацевтика ва озиқ-овқат саноати учун мой, ун яратиш технологиясини жорий этиш” (2015-2017 й.й.) мавзусидаги инновацион лойиҳасида доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** маҳаллийлаштирилган *Amaranthus* оиласи ўсимликлари уруғлари ёғининг кимёвий таркиби ва фармакологик хусусиятларини аниқлаш ва уларни биологик фаол кўшимчалар ҳамда тиббий ва косметика маҳсулотлари сифатида қўллаш истикболларини аниқлашдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

- Интродуцияланган амарант навлари уруғларидан олинган ёғларнинг физик хоссалари ва кимё таркибини (триглицерид, ёғ кислотаси, витамин, фосфолипид, макро ва микроэлементлар ҳамда сквален) аниқлаш;
- Амарант ёғидан сквален ажратиб олиш ва стандартлаш усулини ишлаб чиқиш;
- Амарант ёғининг фармако – токсикологик хусусиятларини ўрганиш;
- Амарант ёғи ва гиалурон кислотаси асосида косметологик восита яратиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида *Amaranthus cruentus* Гелиос ва Харьков-1 ҳамда *Amaranthus hypochondriacus* – Лера ва Андижон навли амарант уруғлари, улардан ажратилган ёғлар ва ёғлардан экстрацияланган сквален, триглицеридлар, витаминлар, макро- ва микроэлементлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни амарант уруғи таркибидан ёғ олиш, триглицеридларни, витаминларни ажратиб олиш, уларни сифат ва миқдорий жиҳатдан тадқиқ этиш, макро- ва микроэлементларни ҳамда скваленни миқдорий жиҳатдан аниқлаш ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари** ўсимлик объектларидан биологик фаол моддаларни ажратиш ва таҳлилида қўлланиладиган экстракция, устунли хроматография, юқори самарали суюқлик хроматографияси (ЮССХ), хромато-масс-спектрометрия (GC-MS), юпқа қатламли хроматография усулларида, биологик фаолликни аниқлаш учун фармакологик ва токсикологик усулларида фойдаланилди.

**Диссертация тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Андижон вилоятида етиштирилган *Amaranthus cruentus* – Гелиос ва Харьков-1 ҳамда *Amaranthus hypochondriacus* – Лера ва Андижон навли амарант уруғларининг ёғидаги сквален миқдори 5,29 дан 6,79% гача эканлиги, унинг энг юқори миқдори Харьков-1 (6,79%) ва Лера (6,05%) навларида, Андижон (5,29%) ва Гелиос (5,53%) навларида эса анча паст бўлиши аниқланган;

*Amaranthus cruentus* ва *Amaranthus hypochondriacus* навлари ёғининг доминант триглицеридлари  $L_2P$  (13 – 16%),  $L_2C+$  ЛОП (15,6 – 18%),  $LO_2$  (10,8 – 12,1%),  $L_2O$  (12 – 13,6%) ва ЛОС (11 – 11,6%) эканлиги, ўртача миқдордаги триглицеридлар (7,5 – 8,16%),  $L_3$  (4,96 – 5,9%), ва  $LP_2$  (4,6 – 7,96%) ҳамда ЛПС,  $O_2P$ ,  $O_2C$ , ОПС ва  $OP_2$  энг кам миқдордаги триглицеридлардан иборат ёғ кислота композициялари эканлиги исботланган;

GC-MS таҳлил натижаларига кўра амарант ёғининг мажор ёғ кислоталари линол (40,16-47,31%), олеин (24,52-31,1%) ва пальмитин (22,27-23,19%) кислоталари, минор ёғ кислоталар эса стеарин (2,99-3,59%), миристин (0,24-0,28%) ва арахидин (0,66 - 0,78%) кислоталари эканлиги ҳамда ўрганилган амарант навлари ёғларида омега-3-альфа-линол кислота 1,17% дан 1,65% гача миқдорда эканлиги аниқланган;

бир босқичли хроматографик таҳлил усулида сквален миқдори ва триглицеридлар таркибини ҳамда амарант ёғининг сифатини аниқлаш имкониятини берувчи ЮССХ усули ишлаб чиқилган;

амарант ёғининг антигиперлипидемик ва антиоксидант фаолликларига эга эканлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

*Amaranthus* ўсимликлари уруғи ёғларидан юқори унум (65,9%) ва тозалikka (99,5%) эга бўлган скваленни ажратиш олиш усули ишлаб чиқилган;

амарант ёғи, натрий гиалуронат ва сугир оғиз сутининг пептидлари асосида “ЗУМАРА” косметик кремни ишлаб чиқириш технологияси яратилган;

«SIFAT AGRO SERVIS» МЧЖ билан ҳамкорликда амарант ёғи асосида «БИО МЎЖИЗА» деб номланган БФҚ ишлаб чиқариш технологияси яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқ этилган бирикмаларни ажратиш, тузилиши ва функцияларини аниқлаш жараёнида замонавий физик-кимёвий усуллар - ЮССХ, хромато-масс-спектрометрияси, ультрабинафша ва ИҚ-спектроскопияси қўлланилганлиги билан тасдиқланади. Олинган натижаларни тасдиқлаш - бу мутахассисларнинг эксперт баҳоси, уларни республика ва халқаро конференцияларда муҳокама қилиниши, рецензия қилинувчи илмий нашрларда чоп этилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, Ўзбекистон иқлим шароитига интродуцияланган *Amaranthus cruentus* ва *Amaranthus hypochondriacus* турларининг тўртта навлари уруғлари ёғларининг кимёвий таркибини солиштирма таҳлили ўтказилган. Триглицеридлар, витаминлар, фосфолипидлар ҳамда скваленни сифат миқдорий таҳлил усуллари

такомиллаштирилганлиги, юқори унум ва тозаликга эга бўлган скваленни ажратиб олиш усули ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, амарант ўсимлиги уруғларининг кимёвий таркиби аниқлаш ва фармако-токсикологик тадқиқотлар натижалари «БИО МЎЖИЗА» БФҚ яратиш учун илмий-амалий асос бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Амарант ёғларнинг кимёвий таркиби ва фармакологик хусусиятларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

амарант ўсимлиги уруғидан ажратиб олинган ёғлар асосида антигиперлипидемик ва антиоксидант таъсирга эга бўлган «БИО МЎЖИЗА» БФҚ олиш технологияси «SIFAT AGRO SERVIS» МЧЖда амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг маълумотномаси). Натижада, антигиперлипидемик ва антиоксидант фаоллика эга биологик фаол кўшимчалар импортини камайтириш имконини берган;

*Amaranthus cruentus* ва *Amaranthus hypochondriacus* амарант уруғ ёғларининг кимёвий таркибини ўрганишда олинган натижаларга 6 та юқори импакт факторга эга бўлган хорижий журналларда чоп этилган тадқиқотларда ёндош ўсимлик ёғларининг таркибини аниқлашда фойдаланилган (Journal of Functional Foods, 2020, 72(1) 104065, IF-3,701; Plants 2020, 9, 1412, IF-3,182; Heliyon 2021,7, e06304, IF – 1,8, Nova Biotechnol Chim 2020, 19(1): 61-69, IF – 0,55; Frontiers in Plant Science 2020; 11: 607102, IF – 4,407). Натижада, ўсимлик ёғларини таркибини аниқлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертация асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан, 2 таси Республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 121 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги, мақсад ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантириш йўналишига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш асослари келтирилган, нашр қилинган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган,

нашр қилинган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Амарант ёғи: олиниши, кимёвий таркиби, биологик хусусиятлари ва қўлланилиши”** (адабиётлар шарҳи) деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича дунёда олиб борилган илмий изланишлар ва уларнинг ўрганилганлик даражаси батафсил таҳлил қилинган. Оксиллар, ёғлар, витаминлар, макро- ва микроэлементлар миқдори, фосфолипид таркиби, сквален, сквален биосинтези, биологик фаоллиги ва қўлланилиши каби замонавий тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Диссертациянинг **“Амарант уруғлари ёғларнинг кимёвий таркибини аниқлаш ва улар асосида биологик фаол қўшимчалар яратиш”** деб номланган иккинчи бобида триглицеридлар, ёғ кислоталари, витаминлар, фосфолипидлар, сквален, амарант ёғининг макро- ва микроэлементлари сифат ва миқдорий таркиби, амарант ундан скваленни ажратиш олиш, биологик фаолликлари ҳамда фармокологик кўрсаткичларини аниқлашга оид олиб борилган тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Амарант уруғлари антипролифератив, антигиперлипидемик, яллиғланишга қарши, гепатопротектив, антидиабетик, радиопротектив, антигепатотоксик, сперматоген ва замбуруғларга қарши таъсирга эга моддаларга бойлиги сабабали Андижон давлати университети тадқиқотчилари томонидан Андижон вилоятида интродуцияланган *Amaranthus hypochondriacus* - Харьков-1 (Ўзбекистон М) ва Лера (Улуғнор), ҳамда *Amaranthus cruentus* – Андижон (Вега) ва Гелиос (Мархамат) навлари ёғининг кимёвий таркибини аниқлаш бўйича изланишлар ўтказилган.

Ўрганилаётган ўсимлик уруғлардан ёғларни ажратиш олиш икки хил усулда амалга оширилди: 1. Совуқ сиқиш; 2. Органик эритувчилар билан экстракция қилиш. Олинган натижалардан ўрганилаётган навлар уруғларининг ёғдорлиги дастлабки уруғ массасига нисбатан 6,39 дан 7,81% оралиғида бўлиб, Харьков-1 навининг (7,81%) ёғдорлиги юқори, Андижон навининг (6,39%) ёғдорли эса нисбатан паст эканлиги аниқланди. Олинган натижаларни адабиёт маълумотлар (*A. hypochondriacus* нинг 48 навида ёғдорлик 4.8% дан 5,4% гача ва *A. Caudatus* нинг 11 навида эса 7-8%) билан таққослаш натижасида, *A. hypochondriacus* турларининг мослаштирилган навлари – Харьков-1 ва Лера, ҳамда *A. cruentus* - Гелиос ва Андижанский навлари Европанинг *A. hypochondriacus* навларига қараганда юқори ёғдорликга эга эканлиги ва *A. cruentus* навларига тенглашганини кўрсатди. Шундай қилиб, ўрганилаётган амарант навларини Ўзбекистоннинг иқлим шароитига мослаштирилиши уруғларнинг ёғдорлигига ижобий таъсир кўрсатгани аниқланди.

Кутилганидек, барча навларда совуқ сиқиш усулида ёғнинг чиқиш унумдорлиги 50% гача етмади. Чиқиш унуми Харьков-1 навида 48% ташкил қилган бўлса, Лерада – 41%, Андижон навида 42,4% ва Гелиосда – 45,4% ни ташкил қилди. Сиқилган уруғлардаги қолдиқ ёғ бензин билан экстракциялаш ёрдамида ажратиш олдинди.

Амарантнинг 4 навидан олинган экстракцион ёғларнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари аниқланди. Олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган.

1 жадвал


### Амарант ёғининг физик-кимёвий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Кўрсаткичлар кийматлари				
	<i>A. hypochondriacus</i>		<i>A. cruentus</i>		<i>A. caudatus</i> Адабиёт
	Харьков	Лепа	Андижон	Гелиос	
Зичлик $\rho^{20}$ , г/л	0,8901	0,8878	0,8893	0,8915	0,8872
Синдириш кўрсаткичи $n^{20}$	1,4637	1,4630	1,4635	1,4640	1,4645
Оптик бурилиш $\alpha^{20}_D$	[+]5,04	[+]5,01	[+]5,03	[+]5,01	[+]5,05
Кислота сони, мг КОН/г	3,12	3,07	3,09	3,11	3,06
Совунланиш даражаси, мг КОН/г	183,36	183,23	183,28	183,34	185,73
Йод сони, $I_2/100g$	102,15	102,10	102,08	102,12	102,03
Пероксид сони, моль/кг	1,35	1,30	1,32	1,30	1,27
Кул миқдори, г/100г	0,33	0,30	0,31	0,32	0,27

Ёғларнинг биологик қимматлилиги уларнинг ёғ кислота таркиби, триглицеридлар тузилиши, шунингдек биологик фаол бирикмалар: фосфолипидлар, стероллар, витаминлар, каротиноидлар ва бошқалар борлиги билан баҳоланади. Шундан келиб чиқиб, тадқиқотларимизнинг кейинги босқичи олинган ёғларнинг кимёвий таркибини аниқлашга бағишланди.

Бир хроматографик циклда сквален ва триглицеридларни бир вақтнинг ўзида миқдорий аниқлаш усули ишлаб чиқилди. Танланган мақбул шароит ва элюция профили 1-расмда, олинган натижалар эса 2-жадвалда келтирилган. Стандарт сифатида “Sigma – Aldrich” фирмасининг сквален ва триглицеридларидан фойдаланилган.

Хроматограммадан кўриниб турибдики (1-расм), ишлаб чиқилган усул сохталаштирилган амарант ёғларини аниқлаш имконини беради. Агарда юқоридаги келтирилган шароитларда хроматограммада 1-рақамли чўкки аниқланмаса ёки унинг интенсивлиги жуда паст бўлса, у ҳолда таҳлил қилинаётган намуна амарант ёғи эмас ёки амарант ва бошқа ёғларнинг аралашмаси эканлигидан далолат беради.



1-расм. Амарант ёғининг ЮССХ таҳлили. Рефрактометрик детектор билан жихозланган Agilent Technologies 1260 серияли хроматографи. Колонка 4,6 x 250 мм Eclipse XDB-C18, 5µm. Мобил фаза: ацетонитрил:ацетон (10:90 хажм/хажм). Оқим тезлиги 1 мл/мин. Колонкадаги ҳарорат 30°C.

## Ўрганилаётган амарант навлари уруғи ёғларининг триглицерид таркиби

		Харьков - 1		Лера		Андижон		Гелиос	
		С/с	экст	С/с	экст	С/с	экст	С/с	экст
1	Сквален (%)	6,79	7,12	6,05	6,87	5,29	5,88	5,53	6,25
	Триглицеридлар	Миқдор (%)							
2	Л <sub>3</sub>	4,96	4,37	5,90	5,47	7,22	7,68	5,42	5,88
3	Л <sub>2</sub> О	12,98	11,85	13,60	12,90	12,69	12,15	11,94	13,06
4	Л <sub>2</sub> П	15,68	13,87	16,00	15,61	15,26	15,39	13,34	15,15
5	ЛПС	0,35	0,09	0,13	0,11	0,17	0,15	0,12	0,09
6	ЛО <sub>2</sub>	11,63	12,88	10,79	11,93	11,62	11,36	12,09	11,77
7	Л <sub>2</sub> С+ ЛОП	15,58	19,09	16,6	19,54	18,12	17,72	18,12	16,10
8	ЛП <sub>2</sub>	4,60	7,61	5,10	8,45	7,91	7,96	7,35	4,72
9	О <sub>3</sub>	8,09	8,98	7,47	6,05	6,91	7,50	8,16	9,95
10	ЛОС	11,00	10,86	12,66	9,49	11,20	9,74	11,62	13,17
11	О <sub>2</sub> П	3,99	4,07	5,30	4,12	4,48	4,45	5,08	5,57
12	О <sub>2</sub> С	3,99	1,70	1,83	2,03	1,85	2,21	1,71	1,64
13	ОП <sub>2</sub>	2,76	3,28	3,77	3,08	2,07	2,73	2,90	2,16
14	ОПС	0,38	1,34	1,37	1,23	0,50	0,95	2,15	0,74


С/с – совуқ сиқиш усулида олинган ёғ

Л<sub>3</sub> –учта радикаллари линолен кислотаси қолдиғидан иборат бўлган триглицерид

2-жадвалдаги натижалардан ўрганилаётган амарант навлари уруғларининг ёғида сквален миқдори 5,29% - 6,79% оралиғида эканлигини кўриш мумкин. Унинг энг юқори миқдори Харьков-1 навида (6,79%) аниқланган бўлса, Лера (6,05%), Андижон (5,29%) ва Гелиос (5,53%) навларида сквален миқдори бир мунча кам эканлиги кўрсатилди. Ушбу маълумотлар экстракцион усул билан олинган ёғлардаги скваленни миқдорини аниқлаш бўйича тажрибаларда ҳам тасдиқланди. Бунда Харьков-1 – 7,12% ни ташкил қилган бўлса, Лера, Андижон ва Гелиос навлари ёғида мос равишда 6,87%, 5,88% ва 6,25% га тенг бўлди. Олинган натижалар адабиётда келтирилган маълумотлар билан мос келади.

Шунингдек, 2-жадвалдан кўриниб турибдики, ўрганилаётган ўсимлик навларида амарант ёғининг доминант триглицеридлари Л<sub>2</sub>П (13 – 16%), Л<sub>2</sub>С+ ЛОП (15,6–18%), ЛО<sub>2</sub> (10,8–12,1%), Л<sub>2</sub>О (12–13,6%) ва ЛОС (11–11,6%) миқдорда, О<sub>3</sub> (7,5–8,16%), Л<sub>3</sub> (4,96–5,9%), ва ЛП<sub>2</sub> (4,6–7,96%) триглицеридлари ўртача миқдорда аниқланган. Таркибида ЛПС, О<sub>2</sub>П, О<sub>2</sub>С, ОПС ва ОП<sub>2</sub> ёғ кислоталаридан ташкил топган триглицеридлар миқдори кам эканлиги кўрсатилди. Ишлаб чиқилган усул билан таркибида миристин, линолен ва арахин ёғ кислоталари тутган триглицеридларни аниқлаш имкони бўлмади, бу мазкур ёғ кислоталари амарант ёғида жуда кам миқдорда эканлиги билан изоҳланади.

Ёғ кислота таркиби ГХ-МС усули ёрдамида аниқланди. Олинган хроматограмма 2-расмда, натижалар эса 3-жадвалда келтирилган.



2-расм. ГХ – ёғ кислоталари хроматограммаси. Хроматограф: HP 9010. PEG қўзғалмас фазали 50 MS капилляр колонка. Хроматография шароити: Инжектор - 180<sup>0</sup>С; Детектор 250<sup>0</sup>С; Колонка термостати: бошланиши 100<sup>0</sup>С (0,5 мин), минутига 10<sup>0</sup>С дан 230<sup>0</sup>С гача, 230<sup>0</sup>С да 5 мин. Ташувчи газ - гелий, оқим тезлиги 1,7 мл/мин. Масс-селектив детектор кўрсаткилари (Scan режимда, 40 дан 1000 Amu гача); ионланиш 70 эВт. Database/W9N11.L ва Database/RTLPEST3.L.

### 3-жадвал

#### Ўрганилаётган амарант ёғларининг ёғ кислота таркиби

Ёғ кислоталари	Amaranthus hypochondriacus		Amaranthus cruentus	
	Харьков	Лера	Андижон	Гелиос
	Миқдор (моль %, ± 0,05 %)			
С 14 : 0 Миристин	0,27	0,28	0,27	0,24
С 16 : 0 Пальмитин	23,19	22,60	22,27	22,8
С 18 : 0 Стеарин	3,16	3,57	3,59	2,99
С 18 : 1 Олеин	31,31	24,67	24,52	28,8
С 18 : 2 Линол	40,16	47,01	47,31	42,83
С 18 : 3 Линолен	1,23	1,17	1,26	1,65
С 20 : 0 Арахин	0,66	0,69	0,78	0,69
Тўйинган	27,28	27,14	26,91	26,72
Тўйинмаган	72,72	72,86	73,0	73,28

3-жадвалдан кўришиб турибдики, ўрганилаётган амарант навлари ёғларида 7 та ёғ кислоталари аниқланди. Ёғ таркибида тўйинган ёғ кислоталарининг (26,72 – 27,28%) умумий миқдори тўйинмаган ёғ кислоталарига (72,86-73,28%) нисбатан уч баровар кам эканлиги кўрсатилди.

Ўрганилаётган амарант навлари ёғи таркибида мажор ёғ кислотаси линол кислота бўлиб, унинг миқдори 40,16-47,31% оралиғида эканлиги аниқланди. Миқдори бўйича кейинги ўринда олеин (24,52-31,31%), палмитин (22,27–23,19%) ва стеарин (2,99-3,59%) кислоталари мавжудлиги кўрсатилди. Ёғлар таркибида арахидин кислотасининг миқдори 0,66 - 0,78% ни ташкил қилди. Бундан ташқари, ўрганилган амарант ёғларида омега-3-альфа – линолен кислотасининг миқдори 1,17% дан 1,65% гача эканлиги кўрсатилди.

Амарант уруғи ёғларининг витамин таркиби (А ва Е витаминлар) ЮССХ усулида ўрганилди. Калибрлаш эгри чизиғини тузиш учун «Sigma» фирмасининг стандарт витаминларидан фойдаланилди. Олинган натижалар 4-жадвалда келтирилган.

## Амарант ёғларнинг витамин таркиби

Витаминлар	Amaranthus hypochondriacus				Amaranthus cruentus				A. cruentus
	Харьков		Лера		Андижон		Гелиос		Адабиёт
	с\с	экст	с\с	экст	с\с	экст	с\с	экст	экст.
	Микдор, мг/кг ёғ, $m \pm 0,05$ мг								
Ретинол (А)	-	-	-	-	-	-	-	-	
Токоферол (Е)	666,8	667,5	598,7	623,4	643,2	658,3	786,5	812,6	656,8 - 2588

4-жадвалдан кўриниб турибдики, совуқ сиқиш ва экстракция усули билан олинган ёғларда токоферол миқдори бир-биридан сезиларли фарқ қилмайди. Олинган натижалардан Ўзбекистон иқлим шароитига амарант ўсимлигининг *A. hypochondriacus* ва *A. cruentus* турларининг интродукция қилиниши, улар таркибидаги токоферол миқдорининг ўзгаришига олиб келмаган.

Фосфолипид таркибини аниқлаш учун ёғлардан фосфолипид комплекслари ажратиб олинди. Юпқа қатламли хроматография Silufol пластинкаларида 65:25:4 нисбатдаги хлороформ-метанол-сув эритувчилар аралашмасида ўтказилди. Хроматограмманинг рақамли тасвири сканерлаш йўли билан олинди ва Quantity One (Bio-Rad, АҚШ) дастури ёрдамида қайта ишланди. ЮҚХ хроматограммаларидаги доғлардан Quantity One дастури ёрдамида ҳосил қилинган чўкки майдонларини ҳисоблаш натижасида ҳар бир фосфолипиднинг миқдорлари аниқланди. Натижалар 5-жадвалда келтирилган.

## 5 - жадвал

## Ўрганилаётган ёғларнинг фосфолипид комплекси таркиби

Фосфолипид	<i>Amaranthus hypochondriacus</i>				<i>Amaranthus cruentus</i>				Стандарт
	Харьков		Лера		Андижон		Гелиос		Лецитин
	с\с	экст	с\с	экст	с\с	экст	с\с	экст	
	Миқдори, (моль, %), $\xi = 4,4\%$								
ФХ	48.10	48.10	51,2	51,9	50.6	51,2	48.0	50.0	24.40
ФЭА	34.10	35,0	33,9	33,2	37.8	36,9	35,1	32,0	23.50
ФИ	8.20	7,11	5,40	5,50	2,0	2,7	7,0	8,21	25.05
ФС	9.60	9,60	9,50	9,40	9.60	9,2	9,71	9,79	26,60

5-жадвалдан кўриниб турибдики, ёғларнинг фосфолипид таркиби уларнинг олиниш усулидан қатъий назар ўзгаришсиз қолган. Ўрганилаётган ёғларнинг фосфолипид комплексининг асосий компонентлари ФХ (48 – 52%) ва ФЭА (32 – 37,8%), минор компонентлари эса ФС (9,2 – 9,8%) ва ФИ (2,0 – 8,2%) дан иборат эканлиги аниқланди.

Минерал таркибини ўрганиш Optima-2100DV (АҚШ) қурилмасида, индуктив аргон плазмаси билан боғланган оптик эмиссион спектрометрида амалга оширилди. Аниқлаш усулида Win-Lab Perkin-Elmer қурилмасининг дастурий таъминоти рўйхатидан аниқланадиган элементлар ютадиган энергиянинг максимал эмиссиясини чиқарувчи тўлқин узунликлари танлаб олинди. Натижалар 6-жадвалда келтирилган.

## Амарант ёғларининг макро- ва микроэлементлар таркиби

Элементлар	Amaranthus hypochondriacus		Amaranthus cruentus	
	Харьков	Лера	Андижон	Гелиос
	Микдор мкг/100г			
<b>Li</b>	2,688	2,741	2,701	2,720
<b>Be</b>	8,655	8,805	8,665	8,524
<b>Na</b>	3,364	3,425	3,362	3,355
<b>Mg</b>	4,829	4,933	4,842	4,826
<b>K</b>	3,143	3,154	3,145	3,124
<b>Ca</b>	0,693	0,719	0,709	0,705
<b>Pb</b>	0,000328	0,000389	0,000319	0,000356
<b>Cd</b>	0,00007	0,00005	0,000044	0,000042
<b>As</b>	0,00007	0,00004	0,00005	0,00005

6-жадвалдан кўришиб турибдики ўрганилаётган ёғ намуналарида кўрғошин аниқланиб, унинг концентрацияси 0,00319 мкг/кг дан 0,00389 мкг/кг гача, ўртача 0,00345 мкг/кг ни ташкил қилган бўлса, мишьякнинг концентрацияси 0,0004 дан 0,0007 мкг/кг гача ораликда, ўртача 0,0005 мкг/кг ни ташкил қилиди. Аниқланган микдорлар ўсимлик ёғлари учун рухсат этилган концентрация (0,5 мкг/кг) кўрсаткичидан 100 баробар кичиклигини кўриш мумкин.

Совуқ сиқиш усулида ёғ олинганидан кейин қолган амарант унидан ёғни экстракция қилиш, совунланиш, экстракциялаш, ювиш, қуриштириш ва колонкали хроматография босқичларидан иборат бўлган скваленни ажратиш олиш усули ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган усул схематик тарзда 1-чизмада келтирилган. Натижада экстракцияланган амарант ёғидан скваленни ёғдаги бошлангич микдорига нисбатан 65,9% унум билан, 99,5% тозаликда ажратиш олиш имконияти яратилди.



**1-чизма. Ёғсизлантирилмаган амарант унидан сквален олиш усули.**

Олинган препаратнинг физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилди, олинган натижалар 7-жадвалда келтирилган.

## 7-жадвал

### Скваленнинг физик-кимёвий катталиклари

	Кўрсаткичлар	Қийматлар	
		Экспериментал маълумотлар	Адабиёт маълумотлари
1	Молекуляр масса	410,7	410,7
2	Суюқланиш ҳарорати	-74,8 <sup>0</sup> С	-75 <sup>0</sup> С
3	Синдириш кўрсаткичи	1,500	1,499
4	Қовушқоқлик 25 <sup>0</sup> С	12,2 сР	12 сР
5	Зичлиги	0,86 г/мл	0,858 г/мл
6	Алангаланиш ҳарорати	110 <sup>0</sup> С	110 <sup>0</sup> С

Шундай қилиб, сквален олиш усулини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар ва маҳсулотни физик-кимёвий таҳлиллари натижалари асосида скваленни стандартлаш усули ҳамда сквален олинишининг лаборатория регламенти ишлаб чиқилди.

Амарант ёғларининг фармако-токсикологик хусусиятлари бўйича тадқиқотлар т.ф.н., кат.и.х. Н.Л.Выпова билан ҳамкорликда олиб борилди. Амарант ёғининг “ўткир” захарлилиги бўйича тадқиқотлар натижалари кўра, у VI синфига мансуб нисбатан зарарсиз моддалар гуруҳига мансублиги аниқланиб, ёғни сичқон ва каламушларга оғиз орқали юборилганда LD<sub>50</sub> кўрсаткичи 15000 мг/кг дан юқори эканлиги кўрсатилди.

Амарант ёғининг маҳаллий кўзғатувчилик хусусияти ўрганилганида, қуён кўзлари конъюнктивалари ва каламушлар терисига кўзғатувчи таъсир кўрсатмади.

Гелиос навидан олинган амарант ёғининг гиполипидемик ва антиоксидант фаоллигини 200 мг/кг дозада твин-80 детергентини қорин бўшлиғига бир марта юбориш орқали ҳосил қилинган гиперлипидемиянинг твин моделида ўрганилди.

Липид профилининг қуйидаги кўрсаткичлари ўрганилди: умумий холестерин (УХС), триглицеридлар (ТГ), паст зичликдаги липопротеинлар (ПЗЛП), жуда паст зичликдаги липопротеинлар (ЖПЗЛП), юқори зичликдаги липопротеинлар (ЮЗЛП), атерогенлик коэффициенти (АК). Ёғнинг антиоксидантлик хусусиятини зардобдаги липидларнинг пероксидли оксидланиши (ЛПО) маҳсулотларини аниқлаш орқали баҳоланди. Олинган натижалар 8 ва 9- жадвалларда келтирилган.

Твин моделидаги каламушлар плазмаси ЛП спекторида сезиларли ўзгаришлар содир бўлган (8-жадвал): плазмадаги ЖПЗЛП миқдори 1,9 мартага, ПЗЛП эса 2,6 мартага ортган. ЮЗЛП лар эса, ҳайвонларга твин киритилиши натижасида ЮЗЛП 1,9 мартага пасайган. Твин таъсири остида УХС миқдори 68%, ТГ эса 77% га ортган. Барча ўзгаришлар АК ни 0,793±0,12 дан (бошланғич) 4,47±0,30 (назорат) гача, яъни 5,6 баровар кўтарилишига олиб келган.

## 8 жадвал

## Твин модели гиперлипидемисидаги каламушлар липид профилига Гелиос навли амарант ёғининг таъсири, (M±m; n=10)

Гуруҳлар, миқдор	УХС (мг/дл)	ТГ (мг/дл)	ЮЗЛП (мг/дл)	ЖПЗЛП (мг/дл)	ПЗЛП (мг/дл)	АК
Интакт	52,0±0,3	60,0±0,6	31,0±0,5	11±0,3	12±0,4	0,793±0,12
Назорат (ГЛП+Н <sub>2</sub> О)	87,5±0,3 +68%#	106±0,4 +77% #	16,0±0,5 -48%#	21,2±0,5 +91%#	31,5±0,3 +74%#	4,47±0,30 ≥ в 5,6 марта
ГЛП +Амарант ёғи, Гелиос нави, 5 мл/кг	64,0±0,3 -27%*	97±0,6 -9%*	26,7±0,5 +67*	17,5±0,3 -17%*	19,5±0,4 -38%*	1,9±0,14 ≤ в 2,4*
Амарант ёғи «Shvedov», 5 мл/кг+	61,0±0,3 -30%*	49,9±0,6 -53%*	31,4±0,5 +96%*	10,0±0,3 -53%*	23,9±0,4 -24%*	0,968±0,14 ≤ в 4,6*

\* –назоратга нисбатан ишончли (p <0.001); # – интакт гуруҳга нисбатан ишончли (p <0.001)

Амарант ёғининг қўлланилиши ҳайвонлар қон плазмаси ЛП атероген кўрсаткичлари концентрациясини, яъни УХС (-27,0%), ТГ(-9%) ва ПЗЛП (-38%) сезиларли даражада пасайишига олиб келди. Маълумки, нормал шароитларда ЮЗЛП яллиғланиш реакцияси натижасида ҳосил бўладиган оксидланган липидларни парчаловчи яллиғланишга қарши омил ҳисобланади. 8-жадвалдаги маълумотлардан кўринадикки, Гелиос навли амарант ёғи назорат гуруҳига нисбатан ЮЗЛП антиатрогеник холестерин миқдорини (+64%) сезиларли даражада оширган. Бу ўзгаришларнинг барчаси АК нинг мос равишда 2,4 бараварга, яъни 4,47±0,30 (назорат) дан 1,9 ± 0,14 гача пасайишига олиб келган.

## 9-жадвал

## Гиперлипидимия твин модели ҳолатида каламушлар қонининг антиоксидант сиғимига амарант ёғининг таъсири (M±m; n=10)

Гуруҳлар, миқдор	МДА, мкМ/мл мин	ДК, бир.. ОП/мл.	Кетонлар, бирд. ОП/мл м	Каталаза, мКат/м	Фибриноген г/дл
Интакт	2,67±0,15	5,68±0,17	3,34±0,5	0,570±0,3	387±12,0
Назорат (ГЛП+Н <sub>2</sub> О)	4,03±0,25 +51%#	7,17±0,18 +26%#	3,806±0,5 +14%	0,346±0,5 -29%	892,3±11,3 в 2,3#
ГЛП +Амарант ёғи, Гелиос нави, 5 мл/кг	3,25±0,19 -20%	5,80±0,16 -19%	3,488±0,5	0,493±0,3* +42%	554,3±10,1* -38%
Амарант ёғи «Shvedov», 5 мл/кг	3,00±0,17* -25,0%	5,20±0,17* -27,3%	3,412±0,5	0,55±0,01* +59%	521,8±10,1 -42%

\*– назоратга нисбатан ишончилиги (p<0,001); #–интакт гуруҳига нисбатан ишончилиги(p<0,001),

Твин моделидаги каламушларда олиб борилган тадқиқотларда (9-жадвал) интакт гуруҳидаги ҳайвонлардаги нисбатан липидларни пероксидли оксидланиш жараёнларининг жадаллашгалиги аниқланди. Хусусан, малон диальдегиднинг (МДА) концентрацияси 51% га (P<0,001), диен конъюгантлари (ДК) эса 26% га (P<0,001) ортган бўлса, ЛПО интенсивлигига паралел равишда антиоксидант фаоллик (АОФ) (P < 0,05) ва каталазининг ферментатив фаоллиги 39% (P < 0,05) га пасайган. Амарант ёғи қўлланилишининг 5- кунида ЛПО интенсивлиги яллиғланиш жараёни ҳосил қилинган вақтдаги нисбатан пасайганлиги (P <0,05), каталаза фаоллигини эса ортганлиги (P <0,05) кузатилди.

9-жадвалда келтирилган маълумотлардан липидларнинг пероксидли оксиданиш даражаси назорат гуруҳидаги ҳайвонларнинг кўрсаткичга нисбатан

сезиларли даражада пасайганлигини, липидлар пероксидли оксидланишининг сўнгги маҳсулоти - МДА мос равишда 20,0% га, яъни  $4,03 \pm 0,25$  мкМ/мл мин дан  $3,25 \pm 0,19$  мкМ/мл гача пасайганлигидан кўриш мумкин. Паралел равишда амарант ёғи билан даволаш ЛПО охирги маҳсулотларидан бири - ДК 19% га, яъни  $7,17 \pm 0,18$  ед ОП/мл (назорат)дан мос равишда  $5,80 \pm 0,16$  ед.ОП/мл гача пасайишига олиб келди. Қон плазмаси липидларини умумий АОФ ва каталаза фаоллиги кўрсаткичлари назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан сезиларли даражада ортган ( $P < 0,05$ ).

Гелиос навли амарант ёғини қабул қилган каламушлар гуруҳида (9-жадвал), даволашнинг 5-кунига келиб каталаза фаоллиги, назорат гуруҳига нисбатан, сезиларли даражада - 42% га,  $0,346 \pm 0,5$  мКат/м (назорат) дан  $0,493 \pm 0,3$  мКат/м гача ортиши ( $P < 0,05$ ) кузатилди.

Буларнинг барчаси липидларни пероксидли оксидланиш жараёни ва АОФ тизимининг асосий кўрсаткичларини назорат гуруҳи кўрсаткичларига ( $P > 0,05$ ) нисбатан нормаллаштиришга олиб келди.

Амарант ёғининг кимёвий таркиби ва фармакологик хусусиятлари бўйича олинган маълумот натижалари «SIFAT AGRO SERVIS» МЧЖ билан ҳамкорликда «БИО МЎЖИЗА» номли биологик фаол қўшимчасини яратиш учун асос бўлиб хизмат қилди. Уни ишлаб чиқариш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигидан рухсатнома (№000431) олинди.

*Amaranthus cruentus* (Гелиос нави)дан олинган амарант ёғи, гиалурон кислота ва оғиз сути пептидлари асосида косметик крем ишлаб чиқилди.

Гиалурон кислотани к.ф.н., к.и.х. Сагдиев Н.Ж. билан ҳамкорликда хўроз тожларидан ажратиб олинди. Майдаланган тожларни физиологик эритма (0,9%) билан  $85^{\circ}\text{C}$  сув ҳаммомида 55-60 минут давомида экстракция қилинди. Экстракт моддалар капрон филтър ёрдамида филтърланди. Гиалурон кислотани этил спирти ёрдамида чўктирилди.

Оғиз сути пептидлари сигир сутидан кислотали гидролиз ва гидрофоб хроматографияси ёрдамида ажратилди.

Косметик кремнинг таркибий қисмлари мақбул нисбатини танлаш учун 10 хил композиция тайёрланди. Композицияларнинг самарадорлиги иссиқлик таъсиридаги қўзғатувчанлик синови - “иссиқ пластинка” моделида, оғриқ қолдириш фаоллиги ёрдамида аниқланди. Натижалар 10-жадвалда келтирилган.

10-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, ҳайвонларнинг назорат гуруҳида сичқонларнинг дастлабки реакцияси (дум ва орқа оёқларини ялай бошлаш вақти)  $9,3 \pm 0,7$  сониядан кейин содир бўлган.

Фақатгина амарант ёғи ёки оғиз сути пептидлари ёки гиалурон кислотаси ва эмульгатор билан тайёрланган №1, 2 ва 3 намуналар самараси кам бўлиб, уларнинг оғриқ қолдирувчи фаоллиги 45 дақиқадан сўнг мос равишда 141,9, 175,3 ва 207,5% га тенг бўлди. 7, 8 ва 10 намуналари фаоллиги паст бўлиб, оғриқ қолдирувчи фаоллиги 45 дақиқадан сўнг мос равишда 296,8% ( $36,9 \pm 3,6$  сек), 267,7% ( $34,2 \pm 3,2$  сек) ва 284,9% ( $35,8 \pm 4,3$ ) ни ташкил қилди. Энг фаол намуналар 5- ва 9- композициялар бўлиб, уларнинг фаоллиги 45 дақиқадан сўнг мос равишда 383,9% ( $45,0 \pm 3,8$  сек) ва 358,1% ( $42,6 \pm 4,1$  сек) га тенг бўлди.

**“Иссиқ пластинка” термик ноциетив термик синовида препаратнинг  
оғрик қолдириш фаоллигига ва латент даврига таъсири( $M\pm m$ ;  $n=6$ )**

Препаратлар	Линимент қўлланилган вақти, минутларда					
	15,0		30,0		45,0	
	Кечикиш даври	Оғрик қолдириш фаоллиги	Кечикиш даври	Оғрик қолдириш фаоллиги	Кечикиш даври	Оғрик қолдириш фаоллиги
	сек	%	сек	%	сек	%
Назорат	9,3±0,7		9,3±0,7		9,3±0,7	
1	18,2±1,8*	95,7	20,0±2*	115,1	22,5±3,4*	141,9
2	10,5±2*	12,9	12,2±0,7*	31,2	25,6±2,8*	175,3
3	15,3±1,5*	64,5	17,5±1,8*	88,2	28,6±3,2*	207,5
4	20,3±1,5*	118,3	25,6±1,5*	175,3	40,2±3,5*	332,3
5	21,5±1,8*	131,2	30,7±2,2*	230,1	45,0±3,8*	383,9
6	20,3±2*	118,3	25,7±0,7*	176,3	38,7±2,8*	316,1
7	19,6±1,8*	110,8	24,5±2*	163,4	36,9±3,6*	296,8
8	18,4±1,5*	97,8	23,6±1,5*	153,8	34,2±3,2*	267,7
9	22,5±1,8*	141,9	31,2±2,2*	235,5	42,6±4,1*	358,1
10	19,6±2*	110,8	24,6±0,7*	164,5	35,8±4,3*	284,9

Олинган натижаларга кўра, энг мақбули композиция 5-сонли бўлиб, унинг сичқонларда оғрик қолдирувчи фаоллиги дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 15 дақиқадан сўнг 131.2% га ( $21.5 \pm 1.8$  сония), 30 дақиқадан сўнг - 230, 1% ( $30,7 \pm 2,2$  сек) ва 45 дақиқадан сўнг - 383,9% ( $45,0 \pm 3,8$  сек)га оширди.

Олинган маълумотлар асосида косметик крем ишлаб чиқилди, унга “Зумара” деб ном берилди. Ушбу крем Т1 эмульгатори, гиалуронат натрий, сигирнинг оғиз сути пептидлари, амарант ёғи, этил спирти, сорбин кислотаси ва тозаланган сувдан иборат бўлган композициядир.

Субстанция ва “Зумара” косметик кремнинг умумий таъсири ва “ўткир” захарлилигини ўрганиш уларни амалдаги зарарсиз бирикмаларнинг VI синфига мансублигини кўрсатди. LD<sub>50</sub> кўрсаткичи сичқон ва каламушларда тери ва оғзи орқали юборилганда 25000 мг/кг дан ортиқни ташкил қилди.

Субстанция ва кремнинг махсус токсикологиясини ўрганиш шуни кўрсатдики, улар каламуш терисига ва қуёнлар кўзининг конъюнктивасига маҳаллий кўзғатувчи ҳамда аллергия таъсир кўрсатмайди.

“Зумара” косметик кремнинг кумуляциясини ўрганиш Lima усули бўйича амалга оширилди, бу нафақат кумуляцияни, балки кўникишни ҳам баҳолашга имкон берди. Натижада, кремнинг кумулятив таъсирга эга эмаслиги ва унга кўникиш хосил бўлмаслигини кўрсатди.

“Зумара” косметик креми ва унинг субстанциясини сурункали захарлилигини ўрганиш шуни кўрсатдики, субстанция ва кремнинг узоқ муддат фойдаланилиши билан тажрибадаги ҳайвонларнинг периферик қони биокимёвий кўрсаткичлари ва ички аъзоларида ҳеч қандай ўзгаришлар аниқланмади.

Махсус фаолликни ўрганиш шуни кўрсатдики, кремнинг терини силликланган хусусияти таркибидаги гиалурон кислотасининг намликни ушлаб туриши ва скваленни ҳайвонлар терисига чуқур сингиши ҳисобига содир

бўлади. Бундан ташқари Зумара антигистамин, антисеротонин ва яллиғланишга қарши фаолликларга ҳам эга.

**«Амарант уруғлари ёғларининг физик кимёвий ва биологик хусусиятларини тадқиқ қилиш усуллари»** деб номланган учинчи бобида тадқиқотни олиб боришда фойдаланилган усуллар келтирилган.

## ХУЛОСАЛАР

1. Илк бор Андижон вилоятида етиштирилган *Amaranthus cruentus* – Гелиос ва Харьков 1 ҳамда *Amaranthus hypochondriacus* – Лера ва Андижон навли амарант уруғларининг кимёвий таркиби: ёғдорлиги, ёғдаги сквален, триглицеридлар, витаминлар, фосфолипидлар, макро – ва микроэлементлар миқдори аниқланди:

- ёғларидаги сквален миқдори 5,29 дан 6,79% гача эканлиги, унинг энг юқори миқдори Харьков-1 (6,79%) ва Лера (6,05%) навларида, камроқ миқдорларда эса Андижон (5,29%) ва Гелиос (5,53%) навларида мавжудлиги;
- доминант триглицеридлари  $L_2P$  (13 – 16%),  $L_2C+$  ЛОП (18 – 15,6%),  $LO_2$  (10,8 – 12,1%),  $L_2O$  (12 – 13,6%) ва ЛОС (11 – 11,6%) эканлиги, ўртача миқдордаги триглицеридлар эса  $O_3$  (7,5 – 8,16%),  $L_3$  (4,96 – 5,9%), ва  $LP_2$  (4,6 – 7,96%) ёғ кислота қолдиқлари композицияларидан иборат эканлиги;
- мажор ёғ кислоталари линол (40,16-47,31%), олеин (24,52-31,1%) ва пальмитин (22,27-23,19%), минор ёғ кислоталар эса стеарин (2,99-3,59%), миристин (0,24-0,28%), арахидин (0,66 - 0,78%) ва омега-3-альфа-линол (1,17 - 1,65%) кислоталари эканлиги;
- фосфолипид комплексининг мажор компонентларини ФХ (48 – 52%) ва ФЭА (32 – 37,8%), минор компонентлари эса ФС (9,2 – 9,8%) ва ФИ (2,0 – 8,2%) ташкил қилиши кўрсатилди.

2. Триглицеридлар таркиби ва сквален миқдорини бир хроматографик таҳлил ёрдамида амалга оширишнинг ЮССХ усули ишлаб чиқилди, бу ўз навбатида амарант ёғларини сифатини ва унинг фальсификатларини аниқлаш имконини берди. Скваленни 99,5% тозаликда 65,9% унум билан ажратиб олиш усули ва унинг лаборатория регламенти ишлаб чиқилди.

3. Амарант ёғининг яққол антигиперлипидемик ва антиоксидант фаолликларга эга эканлиги кўрсатилиб, унинг асосида, «SIFAT AGRO SERVIS» МЧЖ билан ҳамкорликда «БИО МЎЖИЗА» номли биологик фаол қўшимча ишлаб чиқилди ва амалиётда қўллашга тавсия этилди.

4. Амарант ёғи, гиалурон кислотасининг натрийли тузи ва қорамол оғиз сути пептидлари асосида «ЗУМАРА» косметик креми ишлаб чиқилди. Крем гиалурон кислотасининг намликни ушлаб қолиш хусусияти ва скваленни тери остига сингиши ҳисобига терини силлиқлаши ҳамда яққол антигистамин, антисеротонин ва яллиғланишга қарши фаолликларга эга эканлиги кўрсатилди. “Зумара” косметик крем учун MGU 38142 рақамли савдо белгиси гувоҳномаси олинди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12. 2019.К/В.37.01  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ  
БИООРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

---

**ИНСТИТУТ БИООРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

**БОЗОРОВ СОЙИБЖОН СОДИКЖОНОВИЧ**

**МАСЛО ИНТРОДУЦИРОВАННЫХ СОРТОВ РАСТЕНИЯ  
*AMARANTHUS*: ПОЛУЧЕНИЕ, ФИЗИКО-ХИМИЧЕСКИЕ И  
БИОЛОГИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА, ПЕРСПЕКТИВЫ ПРИМЕНЕНИЯ**

**02.00.10 - Биоорганическая химия**

**АВТОРЕФЕРАТ  
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2021.2.PhD/К240.

Диссертация выполнена в Институте биоорганической химии.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.biochem.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

**Научный руководитель:** Зиявитдинов Жамолитдин Фазлитдинович  
доктор химических наук, с.н.с.

**Официальные оппоненты:** Гафуров Махмуджон Бакивич  
доктор химических наук, с.н.с.

Пякина Галина Александровна  
кандидат химических наук, с.н.с.

**Ведущая организация:** Ташкент химико технологический институт

Защита диссертации состоится «15» 12 2021 года в 12<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12. 2019.К/В.37.01 при Институте биоорганической химии (адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 83. Тел.: 71-262-35-40, факс: (99871) 262-70-63.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института биоорганической химии (зарегистрировано под № 240). (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 83. Тел.: 71-262-35-40, факс: (99871) 262-70-63, e-mail: shsha@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан: «06» 12 2021 г.

(реестр протокола рассылки № «1» от 06.12. 2021 г).



**Ш.И. Салихов**  
Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, д.б.н., академик

**Ш.А. Шомуротов**  
Учёный секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, д.х.н.

**М.Б. Гафуров**  
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, д.х.н.

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире, в условиях дефицита сырья, проводятся обширные исследования по использованию нетрадиционных растительных ресурсов с целью создания новых биологически активных веществ и пищевых продуктов, в качестве биологически активных добавок, эффективных фармацевтических и лечебных косметологических средств, которые открывают новые возможности для использования в сельском хозяйстве и в перерабатывающих предприятиях. Большинство лекарств, используемые в медицинской практике, получают из растений. Это связано с тем, что биологически активные вещества, выделенные из растений, являются малотоксичными для организма, чем синтетические препараты, и легко усваиваются. Поэтому, создание рациональных, рентабельных и экологически чистых высокопроизводительных технологий производства терапевтически эффективных препаратов на основе физиологически активных природных соединений, выделенных из лекарственных растений, являются актуальной.

В мире проводятся научные исследования по поиску растительных источников, богатых биологически активными соединениями, и по определению их химического состава. Растения семейства *Amaranthus* - один из таких видов. Было обнаружено, что вещества, полученные из семян растений семейства *Amaranthus*, обладают противогепатитной, диабетической, пролиферативной, воспалительной и грибковой, а также радиопротекторной и сперматогенной активностью. Сквален, содержащийся в масле, является основным липидом клеток кожи человека, природным антиоксидантом, увлажняет кожу, понижает уровень холестерина в крови используется при профилактике рака груди и в качестве адъюванта в вакцинах, обладает противораковым, кардиопротекторным свойством, за счет этого особое внимание уделяется созданию терапевтических средств на его основе.

В Республике достигаются определенные научные и практические результаты в адаптации растений *Amaranthus* к местным климатическим условиям, выращивании новых сортов и их переработке. В 4-м направлении Стратегии действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистана определены важные задачи по «дальнейшему развитию фармацевтической отрасли, совершенствованию обеспечения населения и медицинских учреждений дешевыми, качественными лекарственными средствами»<sup>1</sup>. Выполнение поставленных задач является актуальной, ввиду этого необходимо увеличить интенсивность работы по выделению биологически активных соединений из местного растительного сырья, определения химического состава и разработки субстанций лекарственных средств, а также эффективных лекарственных препаратов.

Данная диссертационная работа, в определённой мере, может послужить решением задач, предусмотренных в Постановлении Президента Республики

---

<sup>1</sup>Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы».

Узбекистан № ПП-4575 от 28 января 2020 года «О мерах по реализации задач, поставленных в Стратегии развития сельского хозяйства на 2020-2030 годы», в Постановлении Кабинета Министров от 13 мая 2020 г. № 282 «О совершенствовании деятельности Центра испытаний сортов сельскохозяйственных растений, создании Национального банка генов сельскохозяйственных растений», а также других нормативно-правовых документов, принятых в данной сфере.

